Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24319632

materiallar to'plami

Статистика ракамли иқтисодиётни шакллантириш манбаларидан бири сифатида.

Сўфиева Хусния Сохибжоновна.

Тошкент молия институти Андижон факультети асистенти

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиётнинг жорий этилиши шакллари, уларнинг самараси, иқтисодий аҳамияти,унинг жорий этилиши натижаларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни бўйича кузатилаётган илмий мулоҳазалар ёритилган. Мақола бутун дунёда ахборот технологияларидан, интернет тармоғидан фойдаланиш, барча соҳаларни электрон тизимга ўтказиш яъни рақамли иқтисодиётга трансформация қилиш бугунги кунга аниқ баҳо бериш ва келажак ишларини режалаштиришнинг энг мақбул йўли эканлигини исботлаб берган

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, электрон тизим, электрон хукумат, статистик хисоботлар

Аннотация: в статье изложены научные рассуждения о формах внедрения цифровой экономики в республике, об их эфффективности и об роли их результатов в экономике Узбекистана. Статья доказывает, что использование информационных технологий, Интернета, перевод всех отраслей в электронную систему, то есть переход в цифровую экономику, является наиболее оптимальным способом дать точную оценку сегодняшнему дню и спланировать будущую работу.

Ключевые слова: Цифровая экономика, информационные технологии, электронная ссистема, электронное правительство, статическая отчетность

Иқтисодиётда барча соҳаларнинг ривожланиш тенденциясини белгилаш, уларнинг бугуни ва келажагига баҳо бериш, умумлашган статистик маълумотларни тайёрлаш ва электрон тизим орқали истеъмолчиларга етказиб бериш Статистика агентлигининг вазифаларидан биридир.

Рақамли иқтисодиёт замонавий технологиялар, платформалар ва бизнес моделлар яратиш ҳамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётнинг янгича тизимга кўчишидир. Бу ҳолатни яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси деб тушуниш мумкин . Зеро, бу ҳолатда биринчидан, барча жараёнларни электрон рўйхатдан ўтказишга, иккинчидан уларнинг шаффофлигига эришиш мумкин. Қолаверса, ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасаяди.

Хозирги кун ҳалқаро глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм ва хорижий инвестициялар ҳамда IT ривожланиши кабилар мамлакатлар иқтисодиёти ўсиши суръатларига таъсир этади. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида шаффофлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик

Published: 10.11.2023

Cite this article: Сўфиева Хусния Сохибжоновна (2023). Статистика ракамли иқтисодиётни шакллантириш манбаларидан бири сифатида. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319632

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ҳамда устувор аҳамиятга эга бўлади. Бунда илм билан чамбарчас боғлиқ бўлган тармоқлар ривожланади

Маълумки, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт қўшимча қиймат яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил алгоритмлар, жараёнлар ва рақамли ахборотлар корпоратив бизнеснинг стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Рақамли номолиявий омиллар банкларнинг рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда, самарадорлигига таъсир кўрсатяпти.

Яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Президентимиз рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгилади.[23] Бундай белгиланишидан мақсад Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, аҳоли илмини, қарашларини замон билан ҳамнафас қилиш, қолаверса, мамлакатимизнинг халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш ва натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлар қаторига қўшишдир.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида республикамизнинг янада жадал ривожланишига, иқтисодиётнинг барқарорлашувига, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшиланишига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада кучайишига сабаб бўлди. “Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар республикамизнинг ривожланиш истиқболини белгилаб берди.

Бутун дунёда ахборот технологияларидан, интернет тармоғидан фойдаланиш, барча соҳаларни электрон тизимга ўтказиш яъни рақамли иқтисодиётга трансформация қилиш бугунги кунга аниқ баҳо бериш ва келажак ишларини режалаштиришнинг энг мақбул йўли эканлигини исботлади. Рақамли иқтисодиётда давлат бошқарувининг ҳар бир тизими вазифаси аниқ белгилаб берилган бўлиб, “Электрон хукумат”, “Рақамли идора”, “Фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳалари асосида амалга оширилмоқда[24]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Статистика агентлиги олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

[23]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
[24] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

•Статистик маълумотларни қайта ишлаш жараёнида маълумотлар базасини бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий қилиш.

•Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри платформасини такомиллаштириш.

•Статистика агентлигининг расмий веб-сайтини модернизация қилиш.

Шунингдек, “Тараққиёт стратегиясида” махаллий бошқарув фаолиятига ахборот технологияларни кенг жорий қилиш мақсадида статистика агентлигига бир қатор вазифалар белгилаб берилган, жумладан:

•Ҳудудлар кесимида тизимлаштирилувчи 40 дан ортиқ, жумладан транспорт, инфратузилма, ижтимоий ва бошқа соҳалар бўйича маълумотларни аниқлаштириш;

•Ушбу маълумотларни жамловчи таҳлилий геопорталларни ишга тушириш чораларини кўриш кабилар.

Демак, статистика бўлимлари хўжалик юритувчи субъектларнинг статистик хисоботларини жамлаш натижасида туман, вилоят, республика даражасида соҳаларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига баҳо бериш ва истеъмолчиларга умумлашган маълумотларни етказиб беришдан иборат вазифаларни бажаради. Статистик маълумотларни қайта ишлаш жараёнида маълумотлар базасини бошқаришнинг замонавий тизимларидан фойдаланиш маълумотларни ўз вақтида, тушунарли тарзда етказиб бериш самарадорлигини оширади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар Марказининг илмий ҳодимлари Юрий Қутбиддинов ва Бахтиёр Исмоиловлар Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ривожланиши хақида тадқиқот олиб боришган.[25] Уларнинг таъкидлашича, рақамли иқтисодиётнинг асосини электрон тижорат, электрон ҳукумат тизими, ишлаб чиқариш жараёнларига “ақлий” технологияларни жорий қилиш, хизмат соҳаларида “ақлли шахар”, “ҳавфсиз шахар” тизимларини жорий этиш, ва шунингдек “буюмлар интернети” технологияларини олиб кириш кабилар ташкил этади.

Мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши даражаси бевосита ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ) ривожи билан боғлиқ ва уни турли кўрсаткичлар: рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши, АКТ соҳасига киритилаётган инвестициялар хажми, интернет тезлиги, унинг мамлакат ҳудудини қамраб олиши ва аҳолининг ундан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши, электрон тижоратнинг ривожланиши, электрон ҳукумат тизимида давлат ҳизматлари улушининг ўсиши, ташкилотларнинг АКТ мутаҳассислари билан таъминланиши даражаси ва бошқа кўрсаткичлар билан белгиланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларнинг барчаси малакатда статистика соҳасининг ривожига катта эътибор қаратиш зарурлигини англатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, рақамли технологияларни статистика тизимида қўллаш-мамалкат статистикаси салоҳиятини янада ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда катта ҳажмдаги статистик

[25] Gazeta. uz

маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта тайёрлаш имкониятлари кенгаяди. Мамлакатимизда статистика тизимига замонавий рақамли технологияларни олиб кириш ишига қаратилаётган катта эътибор туфайли соҳада катта, самарали ютуқларга эришиш мумкинлиги бугунги кун суръатларида кўзга ташланиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Константин.К.И., Илёсов А.А. «Рақамли иқтисодиётниг бугунги ҳолати: муаммо ва ечимлари» // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 2021,№ 1.,309-315 б.

2. Абдураҳмонов К. «Рақамли Иқтисодиёт: Жанубий Корея тажрибаси ва унинг Ўзбекистон учун истиқболлари» //http://www.biznesdaily.uz/ru/birjaexpert/58192-deconomics-theoryfrom-the-of-politics-internationalprofits.html.

3. Статистика назарияси. Дарслик./Н.М.Соатов, А.Х.Аюбжонов таҳрири остида. – Т.: “ТДИУ”, 2020, 385-б.

4. Ходиев.Б. Ю. «Ўзбекистон: "рақамли иқтисодиёт" ни қуриш» // Россия ташқи иқтисодий Бюллетени, 2017, №12., 5-12б.